

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ОЛТИЕВ ЭЛЁР ДОНИЁРОВИЧ

**НИКОТИН ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ОҒИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УНИ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ БИЛАН СУРУНҚАЛИ
ЗАҲАРЛАНИШДА ОШҚОЗОН ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ
МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02- Морфология
14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Олтиев Элёр Дониёрович

Никотин ўз ичига олган оғиз маҳсулотлари ва уни зарарсизлантириш усуллари билан сурункали заҳарланишда ошқозон шиллиқ каватининг морфологик ўзгаришлари..... 5

Олтиев Элёр Дониёрович

Морфологические изменения слизистой оболочки желудка при хроническом отравлении никотинсодержащими продуктами орального потребления и методы его детоксикационной терапии..... 29

Oltiev Elyor Doniyorovich

Morphological changes in the gastric mucosa under chronic intoxication with nicotine-containing oral products and methods of detoxification therapy..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ОЛТИЕВ ЭЛЁР ДОНИЁРОВИЧ

**НИКОТИН ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ОҒИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УНИ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ БИЛАН СУРУНҚАЛИ
ЗАҲАРЛАНИШДА ОШҚОЗОН ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ
МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.01- Морфология
14.00.05. – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4025 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тешаев Шухрат Жумаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жарылқасинова Гаухар Жанузакевна

тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич

тиббиёт фанлари доктори

Василькова Татьяна Николаевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Соғлиқ билимлари университети (Туркия)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ кунин соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Веб-сайт: www.bsmi.uz; e-mail: info@bsmi.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, e-mail: info@bsmi.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунин тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Р. Мирзоева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...чекувчилик ҳали ҳам олдини олиш мумкин бўлган ўлим ҳолатларининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда ва бу соғлиқни сақлаш тизими олдидаги глобал муаммо ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳозирда дунё бўйича 1,3 миллиарддан ортиқ инсон тамаки маҳсулотларини истеъмол қилади, уларнинг тахминан 80% паст ёки ўрта даромадли давлатларда яшайди...¹». Ҳар йили турли никотинли маҳсулотлари истеъмоли дунё бўйича миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлади. Ўлим ҳолатларининг 8 миллиондан ортиғи тамаки маҳсулотлари истеъмоли ва иккинчи даражали тамаки тутуни таъсири билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Улардан 7 миллиондан ортиғи тамакиннинг фаол истеъмоли натижасида юзага келган бўлса, тахминан 1,3 миллион киши пассив чекувчилик туфайли ҳалок бўлади.

Бутун дунёда кашандалик инсон организмга салбий таъсир кўрсатиб, кўплаб оғир касалликларнинг ривожланишига олиб келадиган ва инсонлар ҳаёт сифатини ўзгартирувчи ҳам тиббий, ҳам ижтимоий муаммоларнинг негизида турувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кашандалик умумий саломатликнинг ёмонлашувига, иммунитетнинг пасайишига ва инфекцияларга бўлган сезувчанликнинг ошишига олиб келади. Бу организмнинг барча тизимларига, жумладан, овқат ҳазм қилиш, репродуктив ва нерв тизимларига таъсир қилиб, кўплаб сурункали ҳолатлар ва патологияларни келтириб чиқаради. Айниқса, таркибида никотин сақловчи воситалардан сурункали захарланишда ошқозоннинг структур ва морфофункционал ҳолатида салбий ўзгаришлар юзага келиб, улар бутун ҳазм тракти аъзоларининг ҳам фаолиятини издан чиқаради. Ушбу омиллар инсон ҳаёт давомийлигини сезиларли даражада қисқартириб, унинг сифатига жиддий зарар етказилади. Шунинг учун, тамаки маҳсулотларининг ҳаёт учун хавфли касалликларни келтириб чиқаришини олдини олиш ва уларни илмий асослаш энг муҳим чоралардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида касалликларга эрта ташхис қўйиш, уларни асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида келтирилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 70-мақсадида «...ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, улар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш...²» вазифалари белгиланган. Бу вазифаларда тиббиётнинг барча ихтисосликлари бўйича илғор илмий-тадқиқот фаолияти

¹ Global Burden of Disease [database]. Washington, DC: Institute of Health Metrics; 2019. IHME, 17.07.2023й даги ҳолат

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ютуқларини бирламчи бўғин ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимига жорий этиш назарда тутилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020-йил 12-ноябридаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020-йил 10-октябридаги ПФ-6099-сон «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонларига ва 2020-йил 12-ноябридаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига, шунингдек, 2023-йил 24-майдаги ЎРҚ-844-сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Ушбу ҳужжатлар доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Никотинли маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилиш (масалан, чайналадиган тамаки, снюс ва никотинли пастилкалар) туфайли юзага келадиган сурункали захарланиш муаммоси сўнгги йилларда фаол ўрганилмоқда, бироқ кўплаб жихатлар ҳали ҳам етарлича тадқиқ этилмаган. Оғиз орқали истеъмол қилинадиган никотин турлари инсон организмига кўрсатадиган таъсирини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд. Масалан, Benowitz N.L. ва Fraiman J.V. ишларида никотиннинг юрак-қон томир тизими, метаболик жараёнлар ва марказий нерв тизимига салбий таъсири қайд этилган. Ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш артериал гипертензия, юрак-қон томир асоратлари ва эндотелий функцияси бузилишлари хавфини оширади (Benowitz N.L., Fraiman J.V., 2017).

Maziak W. ва ҳаммуаллифлари тадқиқотлари чайналадиган тамаки каби никотинли маҳсулотларнинг оғиз бўшлиғи ва ҳазм қилиш йўлларида сурункали яллиғланиш жараёнлари ривожланишига сабаб бўлишини кўрсатди. Никотин туфайли юзага келадиган яллиғланиш реакциялари узоқ муддатли ва мунтазам истеъмол қилиш натижасида ёмон сифатли ўсмаларга айланиши мумкин (Maziak W. et al., 2015).

2018 йилда Armitage A.K. ва Turner D.M. никотин интоксикациясининг биокимёвий механизмларини ва детоксикация терапиясининг эҳтимолий усулларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказишди. Уларнинг ишларида никотиннинг метаболизм йўллари, ҳужайра ва тўқималарга кўрсатадиган таъсири ҳамда токсик метаболитлар тўпланиши механизмлари

тўлиқ таҳлил қилинган. Никотин юқори биологик фаолликка эга бўлган кудратли алкалоид сифатида марказий нерв тизими, юрак-қон томир тизими ва ошқозон-ичак йўлларида сезиларли таъсир кўрсатган. Тадқиқотчилар никотин хужайра мембраналарига зарар етказиб, яллиғланиш жараёнларини қўзғатиши ва хужайралардаги оқсил ҳамда липид компонентларнинг деградациясига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлаган (Armitage A.K., Turner D.M., 2018).

Никотинли маҳсулотлар истеъмолига боғлиқ никотинга қарамликни даволашнинг терапевтик стратегиялари Ebbert J.O. ва Stead L.F. тадқиқотларида батафсил ёритилган. Уларнинг ишларида фармакологик ва хулқ-атворга асосланган даволаш усуллари таҳлил қилинган. Никотин ўрнини босувчи терапиянинг самарадорлиги ва психологик-ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг никотинга бўлган қарамликни камайтириш ва барқарор ремиссияга эришишда муҳим рол ўйнаши қайд этилган (Ebbert J.O. et al., 2015).

Бироқ юқоридаги тадқиқотларга қарамасдан, сурункали никотинли заҳарланишининг патогенези ва морфологик ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Детоксикация терапияси усуллари асосан умумий даволаш принциплари доирасида кўриб чиқилган, аммо сурункали никотин таъсиридаги терапия учун махсус протоколлар етарли даражада ёритилмаган.

Шундай қилиб, никотинли маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилиш таъсирида ошқозон шиллиқ қаватида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни ўрганиш ва детоксикация терапиясининг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу масалалар бўйича қўшимча тадқиқотлар ва клиник синовлар ўтказилиши зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022–2026 й.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оғиз орқали никотинли маҳсулотларни истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган меъда шикастланишларининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш ва уларни детоксикацион даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оқ зотсиз каламушларда никотин сақловчи маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган морфометрик ўзгаришларни ўрганиш ва уларни назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослаш;

оғиз орқали қабул қилинувчи никотин сақловчи маҳсулотлардан сурункали заҳарланишда детоксикацион даволашдан кейин меъданинг морфологик параметрларини аниқлаш ва уларни соғлом каламушлар маълумотлари билан таққослаш;

никотин сақловчи маҳсулотларни меъданинг функционал ҳолатига кўрсатадиган таъсирини солиштирма таҳлил қилиш;

никотинли маҳсулотларнинг узоқ муддатли таъсири ва морфологик ўзгаришлар ўртасидаги корреляцияни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат тиббиёт институти марказий илмий-тадқиқот лабораториясидан олинган 130–170 грамм оғирликдаги 100 бош оқ зотсиз каламуш (эркак) ҳамда 2-оилавий поликлиникада диспансер назоратида бўлган гастрит ёки меъда яра касаллиги ташхиси қўйилган 100 та эркак бемор қатнашган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оқ зотсиз каламушларнинг меъдасидан олинган гистологик материал ҳамда гастрит ва меъда яраси касаллигига чалинган беморларнинг қон намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотни амалга оширишда экспериментал, гистологик, морфологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

никотин сақловчи маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилувчи беморларда меъда шиллик қаватида яққол патологик ўзгаришлар юзага келиши, жумладан, яллиғланиш кучайиши, гиперацидлик ошиши, эрозия ва яра ҳолатларининг кўпайиши сабабли шиллик қават гипертрофияси ривожланиши аниқланган;

илк бор лаборатория ҳайвонларида никотин сақловчи маҳсулотларнинг сурункали таъсири натижасида меъдада сезиларли морфологик ўзгаришлар, жумладан, шиллик қаватнинг 23,4% га кичрайиши, эпителиал хужайралар баландлигининг 27,2% га камайиши, бу эса меъданинг секретор функциясини бузиб, яллиғланиш жараёнларини кучайтириши исботланган;

илк бор Мумиёни детоксикацион терапия сифатида қўллаш меъда шиллик қаватининг тикланишини Super Omega препаратига нисбатан яхшироқ таъминлаши, кўрсаткичларни деярли референс қийматларга яқинлаштириши аниқланган;

никотин сақловчи маҳсулотларнинг таъсир давомийлиги ва меъда морфологик ўзгаришлари даражаси ўртасида ишончли салбий корреляция, яллиғланиш инфилтрацияси ва лимфоцитлар сони ўртасида ижобий корреляция мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Никотин сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш яллиғланиш жараёнларининг кучайишига, гиперацид ҳолат ривожланишига ва меъда эрозия-яра жараёнлари хавфининг ошишига олиб келиши аниқланди. Бу ҳолатлар меъда-ичак тизими касалликларининг олдини олиш ва даволаш мақсадида бундай маҳсулотлардан воз кечиш зарурлигини тасдиқлайди.

Никотин сақловчи маҳсулотларга дуч келадиган шахсларда меъда шиллик қавати ҳолатини баҳолаш учун мунтазам текширувлар ўтказиш муҳимлиги тасдиқланган. Шиллик қават қалинлиги ва яллиғланиш инфилтрацияси даражаси каби морфологик параметрларни назорат қилиш патологик ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли даволашни тайинлашга ёрдам беради.

Мумиё никотин билан боғлиқ сурункали интоксикация ҳолатида шиллик қаватнинг шикастланишларини комплекс даволашда самарали восита бўлиши мумкинлиги исботланган. Мумиёни қўллаш регенерация жараёнларини кучайтиришга ва меъданинг ҳимоя функцияларини тиклашга ёрдам беради, бу уни тиббий амалиётда қўллашни мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усулларнинг қўлланилиши, етарли миқдордаги беморлар ва экспериментал материалларнинг таҳлил қилиниши, натижаларнинг назарий ва амалий концепциялар билан мувофиқлиги ҳамда олинган маълумотларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги орқали тасдиқланган. Шунингдек, олинган натижалар ваколатли тузилмалар хулосалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, никотин сақловчи маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилиш меъда шиллик қаватидаги морфологик ўзгаришларга олиб келиши аниқланди. Тадқиқот натижалари никотинли маҳсулотлар яллиғланиш жараёнларининг кучайишига, гиперацидлик ривожланишига, эрозия ва яра ҳолатларининг 17,4% га ошишига, шунингдек, меъда шиллик қавати гипертрофиясига олиб келишини кўрсатди.

Аниқландики, никотиннинг узоқ муддатли таъсири меъда шиллик қаватининг ингичкалашишига, эпителиал хужайралар баландлигининг пасайишига ва без хужайралари сонининг камайишига олиб келади, бу эса меъда ширасининг секрецияси бузилишига ва тузилиш ўзгаришлари, жумладан, фиброз ва қон томирларидаги бузилишларга сабаб бўлди.

Тадқиқотда мумиёни қўллаш натижалари аниқланди: у шиллик қават қалинлигини 58,3 мкм га ошириб, 268,5±6,96 мкм даражага етказган (бу назорат гуруҳининг 274,24±15,5 мкм кўрсаткичига деярли тенгдир). Шунингдек, мумиё эпителий регенерациясини яхшилаш, яллиғланиш жараёнларини камайитириш ва лимфоцитлар сонини 110,7±4,95 хужайра/мм² даражага туширишда ёрдам бериши аниқланди. Бу уни меъда шиллик қаватини тиклашга қаратилган самарали детоксикация терапияси воситаси сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, никотин сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилишдан воз кечишни тавсия этувчи илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганида намоён бўлади. Бу, яллиғланиш жараёнлари, гиперацид ҳолат ва меъда шиллик қаватида эрозив-яра касалликларининг олдини олишга қаратилган. Олинган маълумотлар меъда-ичак тизими касалликларини профилактика қилиш дастурларига жорий этилиши ва замонавий терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш учун қўлланилиши мумкин.

Никотин сақловчи маҳсулотларнинг сурункали таъсири сабабли беморларда меъда шиллик қаватининг морфофункционал ҳолатини мунтазам назорат қилиш патологик ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконини беради. Шиллик қават қалинлиги ва яллиғланиш

инфилтрациясининг даражаси каби асосий морфологик параметрларни динамик баҳолаш, эрта терапевтик аралашув ва даволаш стратегияларини тўғрилаш имконини беради.

Мумиёнинг меъда шиллик қаватининг зарарланган тузилмасини тиклашдаги юқори самарадорлиги уни сурункали никотин интоксикациясида беморларни комплекс даволашда қўллашни асослайди. Бу гастропатияларни даволаш учун терапевтик воситалар таъсирини кенгайтиришга ёрдам бериб, тикланиш жараёнларини яхшилаш ва меъда шиллик қаватининг функционал ҳолатини яхшиланишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.

Никотин сақловчи маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган сурункали интоксикация ҳолатида меъда шиллик қаватидаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: никотин сақловчи маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилувчи беморларда меъда шиллик қаватида яққол патологик ўзгаришлар юзага келиши, жумладан, яллиғланиш кучайиши, гиперацидлик ошиши, эрозия ва яра ҳолатларининг кўпайиши сабабли шиллик қават гипертрофияси ривожланиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 ноябрда 24-м/093-сон билан тасдиқланган «Оғиз орқали истеъмол қилинадиган никотин сақловчи маҳсулотлар билан сурункали захарланишда детоксикацион даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.12.2024 йилдаги 150-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 16.12.2024 йилдаги 258-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали никотинли интоксикацияда ошқозон ички структурасидаги патоморфологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи ривожланиш эҳтимоллоғи юқори асоратлар ва ногиронликни камайтиришга йўналтирилган чора тадбирларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: Экспериментал сурункали никотинли интоксикацияда ошқозондаги морфологик ўзгаришлар ва Мумиё ҳамда Омега воситалари билан детосикация орқали даволаш самарадорлигини баҳолашдан олинган бевосита натижалар ушбу усулларни қўллаш етарлича юқори терапевтик таъсирга эга эканлигини кўрсатди, натижада даволаш самарадорлиги ошади ва беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 160000 сўмга иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: илк бор лаборатория ҳайвонларида никотин сақловчи маҳсулотларнинг сурункали таъсири натижасида меъдада сезиларли морфологик ўзгаришлар, жумладан, шиллик қаватнинг 23,4% га кичрайиши, эпителиал хужайралар баландлигининг 27,2% га камайиши, бу эса меъданинг секретор функциясини бузиб, яллиғланиш жараёнларини кучайтириши исботланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 ноябрда 24-м/093-

сон билан тасдиқланган «Оғиз орқали истеъмол қилинадиган никотин сақловчи маҳсулотлар билан сурункали захарланишда детоксикацион даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.12.2024 йилдаги 150-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 16.12.2024 йилдаги 258-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали никотинли интоксикацияда ошқозон ички структурасидаги патоморфологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи ривожланиш эҳтимоллоғи юқори асоратлар ва ногиронликни камайтиришга йўналтирилган чора тадбирларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: Экспериментал сурункали никотинли интоксикацияда ошқозондаги морфологик ўзгаришлар ва Мумиё ҳамда Омега воситалари билан детосикация орқали даволаш самарадорлигини баҳолашдан олинган бевосита натижалар ушбу усулларни қўллаш етарлича юқори терапевтик таъсирга эга эканлигини кўрсатди, натижада даволаш самарадорлиги ошади ва беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 160000 сўмга иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: илк бор Мумиёни детоксикацион терапия сифатида қўллаш меъда шиллиқ қаватининг тикланишини Super Omega препаратига нисбатан яхшироқ таъминлаши, кўрсаткичларни деярли референс қийматларга яқинлаштириши аниқланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 ноябрда 24-м/093-сон билан тасдиқланган «Оғиз орқали истеъмол қилинадиган никотин сақловчи маҳсулотлар билан сурункали захарланишда детоксикацион даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.12.2024 йилдаги 150-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 16.12.2024 йилдаги 258-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали никотинли интоксикацияда ошқозон ички структурасидаги патоморфологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи ривожланиш эҳтимоллоғи юқори асоратлар ва ногиронликни камайтиришга йўналтирилган чора тадбирларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: Экспериментал сурункали никотинли интоксикацияда ошқозондаги морфологик ўзгаришлар ва Мумиё ҳамда Омега воситалари билан детосикация орқали даволаш самарадорлигини баҳолашдан олинган бевосита натижалар ушбу усулларни қўллаш етарлича юқори терапевтик таъсирга эга эканлигини кўрсатди, натижада даволаш самарадорлиги ошади ва беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 160000 сўмга иқтисод қилинади.

тўртинчи илмий янгилик: никотин сақловчи маҳсулотларнинг таъсир давомийлиги ва меъда морфологик ўзгаришлари даражаси ўртасида ишончли салбий корреляция, яллиғланиш инфилтрацияси ва лимфоцитлар сони ўртасида

иждобий корреляция мавжудлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 ноябрда 24-м/093-сон билан тасдиқланган «Оғиз орқали истеъмол қилинадиган никотин сақловчи маҳсулотлар билан сурункали захарланишда детоксикацион даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.12.2024 йилдаги 150-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 16.12.2024 йилдаги 258-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали никотинли интоксикацияда ошқозон ички структурасидаги патоморфологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларининг тавсифи ривожланиш эҳтимоллоғи юқори асоратлар ва ногиронликни камайтиришга йўналтирилган чора тadbирларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: Экспериментал сурункали никотинли интоксикацияда ошқозондаги морфологик ўзгаришлар ва Мумиё ҳамда Омега воситалари билан детоксикация орқали даволаш самарадорлигини баҳолашдан олинган бевосита натижалар ушбу усулларни кўллаш етарлича юқори терапевтик таъсирга эга эканлигини кўрсатди, натижада даволаш самарадорлиги ошади ва беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 160000 сўмга иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик тавсифланади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Кашандалиқнинг инсон организмига умумий таъсири ва детоксикация терапияси усулларига замонавий ёндашувлар (адабиётлар шарҳи)**» мавзуга бағишланган бўлиб, мавзунинг

долзарблигидан келиб чиқиб, адабиёт маълумотлари умумлаштирилган. Бу бўлимда кашандалик билан боғлиқ касалликларнинг тарқалиши, ўлим ҳолатлари ва касалланиш кўрсаткичлари келтирилган. Шунингдек, кашандаликнинг инсон органлари ва тизимлари ҳолатига кўрсатадиган таъсири, шунингдек, никотинли маҳсулотларнинг сурункали захарланишида замонавий детоксикация терапиясига доир муаммолар тасвирланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланиб, клиник материаллар умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқот доирасида 25 ёшдан 65 ёшгача бўлган гастрит ва меъда яраси касаллигига чалинган 100 нафар эркак беморни комплекс клиник ва диагностик кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилган. Беморлар 2-оилавий поликлиникада диспансер назоратида бўлган бўлиб, бу уларнинг тиббий маълумотларига, жумладан анамнез, эндоскопик, биокимёвий ва бошқа тадқиқот натижаларини ўрганиш имконини берган.

Барча текширувдан ўтган беморлар қиёсий таҳлил ўтказиш учун икки асосий гуруҳга ажратилди. I гуруҳга таркибида никотин сақловчи маҳсулотларни, масалан, тамаки маҳсулотлари ёки оғиз орқали истеъмол қилинадиган воситаларни мунтазам равишда истеъмол қилиш оқибатида юзага келган сурункали интоксикация билан бирга кечувчи гастрит ва яра касаллигига чалинган 58 бемор киритилди. II гуруҳда шунга ўхшаш ташхисга эга, ammo сурункали никотин интоксикацияси белгилари бўлмаган 42 бемор киритилди. Назорат гуруҳини 22 та шартли соғлом эркак беморлар ташкил этди.

Тадқиқот доирасида касалликнинг давомийлиги, авж олиш даври, симптомларнинг хусусияти ва жадаллиги ҳақида маълумотлар тўпланди ва таҳлил қилинди. Беморларнинг ёши, касбий фаолияти, оилавий аҳволи ва маълумот даражаси, лаборатория кўрсаткичлари, масалан, қоннинг биокимёвий таҳлили натижалари, *Helicobacter pylori* тестлари, меъда ширасининг кислота даражаси ва бошқа кўрсаткичлар, шунингдек, эндоскопик текширув натижалари ҳисобга олинди.

Никотин таъсирида меъда тўқималаридаги ўзгаришларни баҳолашга қаратилган морфологик тадқиқотлар ўтказиш учун 3 ойлик 100 та оқ зотсиз каламуш танлаб олинди (1-жадвал). Ҳайвонлар виварийнинг нормал шароитида сақланди, у ерда Этик қўмита томонидан тасдиқланган барча этик ва услубий стандартларга риоя қилинди

1-жадвал

Эксперимент хусусиятлари ва ҳайвонлар сони

№	Эксперимент хусусияти	Умумий ҳайвонлар сони
I	Назорат гуруҳи	20
II	Никотин сақловчи маҳсулотларни оғиз орқали истеъмол қилган каламушлар, 30 кун давомида никотинли маҳсулот физиологик эритмада ечим қилинган ҳолда зонд орқали 1 мг/кг дозада юборилган.	80

III	I гуруҳ – никотин сақловчи маҳсулотлар билан сурункали интоксикация келиб чиққан каламушлар, кейинги 30 кун давомида зонд орқали физиологик эритмада эритилган Super Omega биологик фаол қўшимчаси 5 мг/кг дозада юборилган.	30
IV	II гуруҳ – никотин сақловчи маҳсулотлар билан сурункали интоксикация келиб чиққан каламушлар, кейинги 30 кун давомида зонд орқали физиологик эритмада эритилган Мумиё-ЛІК 5 мг/кг дозада юборилган.	30
Жами		100

Меъданинг тадқиқ қилинган бўлимларидаги ўзгаришларнинг умумий морфологик тузилиши гематоксилин-эозин ва Ван Гизон бўйиш усуллари орқали ўрганилди.

Гематоксилин-эозин бўйиш усули икки босқичли бўлиб, гематоксилин асосий бўёқ сифатида хужайра ядроларини кўк-сиёҳ рангга бўйишди, эозин эса кислотали бўёқ бўлиб, цитоплазмани қизғиш рангга бўйишди.

Ван Гизон бўйиш усули эса бириктирувчи тўқималар тузилишини ўрганиш учун қўлланилади. Бу усулда кислота фуксини ва пикрин кислотаси аралашмаси ишлатилади: кислота фуксини коллаген толаларни ёрқин қизил рангга бўйишди, пикрин кислотаси эса бошқа тўқималарни сариқ рангга бўйишди.

Гисто- ва цитоморфологик маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel 7.0 дастури орқали Pentium-IV шахсий компьютерида амалга оширилди. Шунингдек, STTGRAPH 5.1 дастури ёрдамида ўртача квадрат оғиш ва репрезентативлик хатоси каби кўрсаткичлар аниқланди. Ушбу усуллар хужайра ва тўқималардаги ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун самарали ёндашувни таъминлади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Гастрит ва меъда ярасига чалинган беморларнинг ижтимоий ва клинико-биохимик хусусиятларини таҳлил қилиш**» деб номланиб, ушбу касалликларнинг ривожланиши ва кечишига таъсир этувчи омилларнинг батафсил тавсифи келтирилган.

Барча беморлар солиштирма таҳлил ўтказиш учун иккита асосий гуруҳга ажратилган: I гуруҳ: 58 нафар бемор, уларда гастрит ва меъда яраси никотин сақловчи маҳсулотларни (тамаки маҳсулотлари ёки оғиз орқали истеъмол қилинадиган воситалар) мунтазам истеъмол қилиш туфайли юзага келган сурункали интоксикация билан кечган. II гуруҳ: 42 нафар бемор, уларда шундай диагнослар бўлиб, сурункали никотин интоксикацияси белгилари аниқланмаган. Назорат гуруҳи 22 нафар шартли соғлом эркак беморлардан иборат бўлган.

Тадқиқот доирасида иштирокчиларнинг ёш тоифалари бўйича тақсимланиши таҳлил қилинди (2-жадвал).

Беморларнинг ёш тоифалари бўйича тақсимланиши

Ёш	I гуруҳ (n=58)		II гуруҳ (n=42)	
	Абс.	%	Абс.	%
19-30	15	25,9	10	23,8
31-45	20	34,5	14	33,3
46-55	13	22,4	9	21,4
56-65	10	17,2	9	21,4

Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши гуруҳлар орасида ўхшаш пропорцияларни кўрсатди. Касалликнинг энг юқори кўрсаткичи 31–45 ёшли беморлар орасида кузатилди: I гуруҳда 34,5% ва II гуруҳда 33,3%. Ёш тоифаларининг кичик гуруҳида (19–30 ёш) I гуруҳдаги беморлар сони кўпроқ (25,9%), бу II гуруҳга нисбатан 2,1% га юқори (23,8%). 46–55 ёш ва 56–65 ёшли тоифалардаги фарқлар минимал бўлиб, бу ёш ўтиши билан касалланиш кўрсаткичларининг барқарорлашувини кўрсатади.

Тадқиқот доирасида беморларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу гастрит ва меъда яраси ривожланиши билан профессионал фаолият ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликларни аниқлашга ёрдам беради (3-жадвал).

Беморларнинг касбий фаолияти бўйича тақсимланиши

Вид профессияси	I гуруҳ (n=58)		II гуруҳ (n=42)	
	Абс.	%	Абс.	%
Ишчилар ва техник мутахассислар	10	17,2	19	45,2
Идора ходимлари ва офис ишчилари	18	31,0	8	19,1
Тиббиёт ва таълим ходимлари	15	25,9	5	11,9
Тўлиқ ишсизлар	7	12,1	5	11,9
Пенсионерлар	5	8,62	4	9,52
Талабалар	3	5,17	1	2,38

Беморларнинг профессионал фаолияти бўйича солиштирма таҳлили гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни аниқлади. I гуруҳда асосан идора ходимлари ва офис ишчилари (31,0%) ҳамда тиббиёт ва таълим соҳаси мутахассислари (25,9%) устунлик қилди. Бу касблардаги юқори стресс даражаси ушбу беморларда касалликлар ривожланишига таъсир этган бўлиши мумкин. II гуруҳда эса ишчилар ва техник мутахассислар (45,2%) кўпроқ бўлиб, бу кўрсаткич I гуруҳга нисбатан 28% га юқори эканлиги аниқланди. Бу ҳолат жисмоний фаоллик ва иш режимининг номуносиблиги гастрит ва яра ривожланишига таъсир қилишини кўрсатади. Талабалар ва пенсионерлар гуруҳларидаги

касалланиш кўрсаткичлари бир-бирига ўхшаш бўлиб, бу чекувчиликдан қатъий назар, ушбу тоифаларда касалликлар барқарорлигини кўрсатади.

Шунингдек, тадқиқот доирасида беморларда кашандаликнинг бошланиш ёши ва унинг касаллик давомийлиги билан боғлиқлиги ўрганилди. Ушбу параметрлар кашандаликка эрта жалб қилиниши патологик ҳолатлар ривожланишига ва уларнинг хусусиятларига қандай таъсир этишини аниқлаш имконини берди (4-жадвал).

4-жадвал

Кашандаликнинг бошланиш ёши ва унинг касаллик давомийлиги билан боғлиқлиги

Ёш	I гуруҳ (n=58)	II гуруҳ (n=42)
Чекувчилик бошланган минимал (ёш)	16	
Чекувчилик бошланган максимал (ёш)	35	
Чекувчилик бошланишининг ўртача ёши (ёш)	21,5±1,3	
Чекувчиликнинг ўртача давомийлиги (ёш)	15,9±4,7	
Касалликнинг ўртача давомийлиги (ёш)	12,4±3,1	8,3±2,6
Касалликнинг бошланишининг ўртача ёши (ёш)	35,7±7,3	45,4±3,1

Кашандалик бошланиши ва унинг касаллик кечишига таъсири бўйича таҳлил гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. I гуруҳда кашандаликнинг ўртача бошланиш ёши 21,5±1,3 ёшни ташкил этган, кашандаликнинг ўртача давомийлиги эса 15,9±4,7 йилни ташкил қилди. Касалликнинг давомийлиги I гуруҳда 12,4±3,1 йил бўлиб, бу II гуруҳга нисбатан 4,1 йилга узунроқ (II гуруҳда 8,3±2,6 йил). I гуруҳдаги беморларда касаллик ўртача 35,7±7,3 ёшда бошланган бўлиб, II гуруҳга нисбатан (45,4±3,1 ёш) 9,7 йилга олдинроқ ривожланган. Бу кашандаликнинг гастрит ва меъда яраси каби касалликларнинг эртароқ бошланишига ва оғирроқ кечишига олиб келувчи таъсирини тасдиқлайди.

Тадқиқот давомида беморларда ушбу касалликларнинг клиник кечишига хос бўлган асосий субъектив шикоятлар қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Тадқиқотдаги беморларда клиник симптомларнинг хусусиятлари

Симптомлар	I гуруҳ (n=58)		II гуруҳ (n=42)	
	Абс.	%	Абс.	%
Эпигастрал соҳада оғриқ	45	77,6	30	71,4
Ошқозонда қуйиш ҳисси	38	65,5	25	59,5
Кўнгил айниши	35	60,3	20	47,6
Қусиш	15	25,9	8	19,0
Иштаҳа бузилиши	30	51,7	20	47,6
Қоринда шиш	25	43,1	15	35,7

Иккала гуруҳда ҳам энг кўп учрайдиган симптом эпигастрал соҳада оғрик бўлиб, у I гуруҳда 77,6% ҳолатларда кузатилган, бу II гуруҳга нисбатан (71,4%) 6,2% юқори. Ошқозонда куйиш ҳисси I гуруҳдаги беморларнинг 65,5%ида аниқланган бўлиб, бу II гуруҳдаги беморларга нисбатан (59,5%) 6% юқори. Бу никотиннинг озик-овқат қовушқоқлигини ва ошқозон сфинктери тонусини ишдан чиқариши ҳамда рефлюкс жараёнларига таъсири билан боғлиқ. Кўнгил айнаши I гуруҳда 60,3% беморларда кузатилган бўлиб, бу II гуруҳдаги кўрсаткичдан (47,6%) 12,7% юқори. Бу ҳолат никотиннинг меъда шиллик қаватига таъсир қилиб, яллиғланиш ва ошқозон-ичак моторикасининг бузилиши билан боғлиқ.

Қусиш I гуруҳда 25,9% ҳолатларда, II гуруҳда эса 19,0% ҳолатларда кузатилган. Бу никотиннинг қусиш марказларига кучли таъсири билан изоҳланади. Иштаҳа бузилиши I гуруҳда 51,7% беморларда кузатилган бўлиб, II гуруҳга (47,6%) нисбатан 4,1% юқори. Бу никотиннинг иштаҳа гормонларига бўлган таъсири билан боғлиқ. Қорин шишиши I гуруҳда 43,1% беморларда, II гуруҳда эса 35,7% беморларда аниқланган. Бу ҳолат ичак моторикасининг бузилиши ва газларнинг тўпланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, барча беморларда ўтказилган фиброгастроуденоскопия (ФГДС) натижалари синчиклаб ўрганилди. Бу, хроник никотин интоксикацияси мавжуд бўлган ва бўлмаган беморлардаги фарқларни аниқлаш мақсадида амалга оширилди (6-жадвал).

6-жадвал

Фиброгастроуденоскопия текшируви натижалари

Белгилар	I гуруҳлар (n=58)		II гуруҳлар (n=42)	
	Абс.	%	Абс.	%
Шиллик қават эрозияси	35	60,3	18	42,9
Яралар	28	48,3	15	35,7
Шиллик қават гиперемияси	40	69,0	30	71,4
Шиллик қават шиши	32	55,2	20	47,6
Шиллик қават гипертрофияси	18	31,0	10	23,8
Шиллик қават атрофияси	20	34,5	12	28,6
Фибриноз қоплама	15	25,9	8	19,0
Бурмалар гиперплазияси	12	20,7	7	16,7

Меъда шиллик қаватида эрозив ўзгаришлар I гуруҳда 60,3% беморларда кузатилган бўлиб, бу II гуруҳдаги кўрсаткичга (42,9%) нисбатан юқори. Яра шаклланиши I гуруҳда 48,3% беморларда, II гуруҳда эса 35,7% беморларда қайд этилди. Бу никотиннинг хлорид кислота секрециясини ошириши ва химоя механизмларини сусайтириши билан боғлиқ. Шиллик қават гиперемияси ҳар икки гуруҳда ҳам деярли бир хил даражада тарқалган: I гуруҳда 69,0%, II гуруҳда 71,4%. Бироқ, шиллик қават шиши I гуруҳда кўпроқ (55,2%), II гуруҳда эса 47,6% кузатилган. Шиллик қават гипертрофияси I гуруҳда 31,0% беморларда, II гуруҳда эса 23,8% беморларда қайд этилган. Атрофия I гуруҳда 34,5%, II гуруҳда эса 28,6% ҳолларда аниқланган. Фибринозли қопламалар I гуруҳда 25,9%, II гуруҳда эса 19,0% беморларда қайд этилган. Шиллик қават қатламлари гиперплазияси I гуруҳда 20,7%, II гуруҳда 16,7% беморларда кузатилган.

Гастроэнтерологик касалликларнинг ривожланиши ва кечишида меъда ширасининг кислоталиги ва *Helicobacter pylori* инфекциясининг аҳамияти алоҳида ўрин тутди. Ушбу кўрсаткичлар 7-жадвалда келтирилган бўлиб, улар касалликнинг клиник кечиши ва даволаш тактикаларини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

7-жадвал

Тадқиқот гуруҳидаги беморларда меъда ширасининг кислоталиги ва *Helicobacter pylori* тести натижалари

Кўрсаткичлар	I гуруҳлар (n=58)		II гуруҳлар (n=42)	
	Абс.	%	Абс.	%
Ошқозон шираси ўртача кислоталиги (pH)	2,8±0,3		3,1±0,4	
Гиперацид (pH ниже 2,5)	40	68,9	14	33,3
Нормоацид (pH 2,5–3,5)	13	22,4	19	45,2
Гипоацид (pH выше 3,5)	5	8,62	9	21,4
Мусбат <i>Helicobacter pylori</i> тести	39	67,2	28	66,7
Манфий <i>Helicobacter pylori</i> тести	19	32,8	14	33,3

I гуруҳда меъда ширасининг ўртача pH даражаси 2,8±0,3 бўлиб, бу II гуруҳга нисбатан (pH 3,1±0,4) анча юқори гиперацидликни кўрсатади. Гиперацидлик I гуруҳдаги беморларнинг 68,9%ида қайд этилган бўлиб, бу II гуруҳга нисбатан (33,3%) 2,06 марта юқори. Бу ҳолат никотиннинг парасимпатик нерв тизимини фаоллаштириб, хлорид кислота секрециясини кучайтириши билан боғлиқ.

II гуруҳда нормоацидлик 45,2% беморларда аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич I гуруҳга нисбатан (22,4%) 22,8% юқори. Гипоацидлик ҳолатлари II гуруҳдаги беморларнинг 21,4%ида қайд этилган, бу I гуруҳга (8,62%) нисбатан 2,48 марта кўпроқ.

Helicobacter pylori инфекцияси учраш частотаси гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмади, бу унинг патогенетик роли чекувчиликдан мустақиллигини тасдиқлайди.

II гуруҳ беморларида касалликнинг кўзиши йилига бир марта 47,6% ҳолларда кузатилди, бу I гуруҳга нисбатан (25,9%) 1,84 марта кўпроқдир. Бу ҳолат I гуруҳда никотин таъсири туфайли оғриқнинг сусайиши билан изоҳланиши мумкин. Йилига уч мартагача кўзишлар I гуруҳда 43,1% беморларда қайд этилган, бу II гуруҳга нисбатан (35,7%) 7,4% юқори. Йилига уч мартадан кўпроқ кўзишлар I гуруҳда 31,0% беморларда кузатилган бўлиб, бу II гуруҳга нисбатан (16,7%) 1,86 марта кўпроқдир. Никотин таъсири остида шиллик қаватнинг химоя хусусиятлари сусайиши ва яллиғланишнинг кучайиши қайта кўзишлар сонининг ошишига сабаб бўлади (8-жадвал).

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Оқ зотсиз каламушлар меъдасининг морфологик хусусиятлари: меъёрда ва никотинли маҳсулотларнинг сурункали таъсиридаги ҳолатда**» мавзусида морфологик ва морфометрик параметрлар, жумладан, меъданинг тузилиши ва функциясидаги ўзгаришлар ўрганилди. Асосий эътибор физиологик меъёрдаги назорат гуруҳи ва никотинли


интоксикацияга учраган тажриба гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичларни таққослашга қаратилди.

8-жадвал

Тадқиқот гуруҳидаги беморларда кўзиш частотаси таҳлили

Кўзиш частотаси	I гуруҳлар (n=58)		II гуруҳлар (n=42)	
	Абс.	%	Абс.	%
1 марта/йилига	15	25,9	20	47,6
3 мартагача/йилига	25	43,1	15	35,7
3 мартадан кўп/йилига	18	31,0	7	16,7

Оқ зотсиз каламушларнинг меъдасининг морфологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида тажрибага киритилмаган 20 та каламуш таҳлил қилинди. Уч ойлик каламушларнинг ўртача вазни 152 граммни ташкил этди (диапазон 134–167 грамм). Каламушларнинг меъдаси илмоқсимон шаклга эга бўлиб, ёнбош ҳолатда жойлашган эди (1-расм).



1-расм. 3 ойлик каламушлар меъдасининг пилорик қисми. 1 - шиллик қават, 2 - шиллик қават асти асоси, 3 - мушак қавати, 4 - бурмалар орасидаги чуқурлик. Гематоксиллин-эозин билан бўялган. Ок.10х Об.20.

Меъданинг ўртача узунлиги $3,21 \pm 0,05$ смни ташкил этди. Эни туб қисмида — $2,11 \pm 0,08$ см, тана қисмида — $2,83 \pm 0,09$ см, пилорик бўлимда — $2,14 \pm 0,06$ см. Катта эгрилик узунлиги ўртача $6,83 \pm 0,34$ смга, кичик қиялик узунлиги эса $1,14 \pm 0,02$ смга тенг.


Меъда шиллик қавати бир қатламли цилиндрик эпителий билан қопланган бўлиб, ўртача қалинлиги $274,24 \pm 15,5$ мкмни ташкил этган. Эпителий қатлами қалинлиги $32,4 \pm 1,28$ мкмни ташкил этган. Меъда чуқурликларининг чуқурлиги 100 дан 200 мкмгача ўзгарган. Асосий хужайралар сони: $139,1 \pm 1,44$ хужайра/мм², париетал хужайралар сони: $139,1 \pm 1,44$ хужайра/мм².

Шиллик қаватдаги бириктирувчи тўқима зичлиги $6,07 \pm 0,39\%$ ни ташкил этиб, меъда стромасининг нормал ҳолатини акс эттиради. Шиллик қаватдаги миофибробластлар сони ўртача $34,8 \pm 2,77$ хужайра/ мм^2 , макрофаглар — $24,3 \pm 2,51$ хужайра/ мм^2 , лимфоцитлар — $90,4 \pm 5,22$ хужайра/ мм^2 ва нейтрофиллар — $14,9 \pm 2,35$ хужайра/ мм^2 бўлиб, бу химоя хужайраларининг адекват даражасини ва шиллик қаватнинг нормал ҳолатини кўрсатади (2-расм).




2-расм. Меъда шиллик қаватидаги иммун хужайралар миқдорининг солиштирма таҳлили

Қон томирларининг морфологик кўрсаткичлари бўйича шиллик қаватдаги капиллярларнинг ўртача диаметри $6,9 \pm 0,44$ мкм, венулалар диаметри $19,9 \pm 1,04$ мкм ва қон томир деворлари қалинлиги $2,44 \pm 0,23$ мкм бўлиб, қон томирлари ўтказувчанлигининг нормал даражада эканлигини билдиради. Шиллик қават ости асоси сийрак бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, меъда қатламлари ўртасида боғловчи, озиклантирувчи ва эгилувчанлик функциясини таъминлайди. Мушак қаватининг қалинлиги $849,4 \pm 23,8$ мкмни ташкил этиб, меъданинг овқатни самарали қайта ишлаш қобилиятини таъминлайди (3-расм).



3-расм. 3 ойлик каламушлар меъдаси кардиал қисми. 1 - шиллик қават, 2 - шиллик қават ости асоси, 3 - мушак қавати, 4 - бурмалар орасидаги чуқурлик. Гематоксиллин-эозин билан бўялган. Ок.10х Об.20.


Никотин интоксикацияси таъсирида тажриба гуруҳида каламушларнинг ўртача массаси 137 граммгача пасайган. Меъданинг узунлиги $3,05 \pm 0,06$ смгача камайган, эни эса туб қисмида $1,96 \pm 0,07$ см, тана қисмида $2,68 \pm 0,08$ см ва пилорик қисмида $1,99 \pm 0,05$ смни ташкил этган. Катта эгрилик узунлиги $6,45 \pm 0,29$ смга, кичик эгрилик узунлиги эса $1,07 \pm 0,03$ смга камайган. Шиллик қават қалинлиги 23,4%га камайиб, $210,2 \pm 4,53$ мкмни ташкил этган (4-расм). Эпителий хужайраларининг баландлиги 27,2%га камайиб, $23,6 \pm 1,09$ мкмга тушган (5-расм). Parietal хужайралар сони $105,1 \pm 2,12$ хужайра/мм²га, асосий хужайралар сони эса $65,4 \pm 2,3$ хужайра/мм²гача пасайган (6-расм).




4-расм. Сурункали интоксикациядан сўнг меъда пилорик қисми. 1 - шиллик қават; 2 - шиллик қават ости асосида кам миқдорда яллиғланиш белгилари; 3 - шиш натижасида мушак қавати қалинлашган; 4 - мушак ва шиллик қават ости қатламлари орасида ҳам яллиғланиш белгилари мавжуд; 5 - бурмалар орасидаги чуқурлик. Гематоксилин-эозин билан бўялган. Ок.10х Об.40.

